# ҲАМ ҚУЛАЙЛИК, ҲАМ КАФОЛАТ

**Давлатимиз раҳбари 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида юртимизда бошқа соҳалар каби суғурта бозори ҳам жадал ривожланаётганига алоҳида эътибор қаратиб, бугунги кунда ушбу фаолият тури билан шуғулланаётган компаниялар сони 27 тага етганлигини эътироф этганди. Суғурта мукофотлари ўтган бир йил давомида 45 фоизга ошди, яъни 70 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди. Бу кўрсаткич соҳа жадаллик билан ривожланаётганини кўрсатади.**

**Шуни алоҳида қайд этиш керакки, буларнинг барчаси ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Энг аввало, суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчилик тизими — ҳуқуқий асос яратилди. Соҳани ривожлантириш учун мунтазам равишда ислоҳотлар олиб борилмоқда.**

**Хўш, суғуртанинг ўзи нима? Бозор иқтисодиёти шароитида унинг аҳамияти ва ўрни қандай? Суғуртанинг қандай турлари мавжуд? Ушбу соҳани ривожлантириш йўлида қандай изланишлар олиб борилаяпти? Шу ва шу каби саволлар билан мухбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Акрам ЖУМАЕВга мурожаат қилди:**

— Саволларга жавоб беришдан олдин суғурта тушунчасига аниқлик киритиб олсак. Суғурта — таваккалчилик фаолиятида муайян хавф-хатарлар билан боғлиқ зарарларни қоплаш, юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган жамғарма ҳисобидан муайян воқеа, яъни суғурта ҳодисаси юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш демакдир.

Мамлакатимизда суғурта тизимини янада такомиллаштириш, суғурта хизматларининг рақобат бозорини шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимизнинг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида мамлакатимизда суғурта хизматлари ҳажми ва кўламини ошириш, ушбу бозорнинг очиқ-ойдинлиги ва ишончлилигини таъминлаш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигига эришиш каби бир қатор муҳим масалалар белгилаб қўйилган.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, бугунги кунда бутун дунёда суғуртанинг икки — ихтиёрий ва мажбурий тури мавжуд. Мамлакатимизда ҳам айнан шу икки тури шартлари ва тартиблари белгилаб қўйилган.

**— Ушбу соҳа қонунчилигини янада ва такомиллаштириш йўлида ҳозирда қуйи палатада қандай ишлар кетаяпти?**

— Қўмитамиз томонидан иккинчи ўқишга тайёрланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида транспорт воситалари эгалари ундан фойдаланишда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш каби нормаларга қатъий амал қилиш белгиланган.

Жумладан, транспорт воситалари

**▼ Парламент ҳаёти**

эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталанмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқарилишининг олди олинади. Бундан ташқари, ҳар бир транспорт воситаси эгасининг уни бошқаришда фуқаролик жавобгарлиги масъулиятини ўз зиммасига олади. Қолаверса, суғурта ҳодисаси рўй берганда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки муҳофазаланишини таъминлайди.

**— Фуқаролар транспорт воситасини сотиб олганларидан сўнг улар қанча муддатда ва қанча вақтгача ўзларининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилдириши керак? Бу масалада қайси идорага мурожаат қилишлари мумкин?**

— Фуқароларимиз транспорт воситасини сотиб олганидан сўнг ўн кун муддатдан кечикмай ўзларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилдиришлари лозим. Бу масалада фуқаролар жойлардаги суғурта компанияларига мурожаат қилишлари мумкин. Мамлакатимизнинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида суғурта компаниялари хизмат кўрсатади. Бу масалада муаммо бўлиши мумкин эмас.

Қонун лойиҳасида мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида бир йил муддатга тузилиши қатъий белгиланган. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари тажрибасида ҳам мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддатлари айнан бир йил қилиб белганланган.

**— Суғурта ҳодисаси юз берганда товон миқдори қандай бўлади?**

— Қонун лойиҳасида суғурта товони миқдори жабрланувчилар ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта пулининг 65 фоизигача тўланиши назарда тутилмоқда. Жабрланувчилар сони бир неча бўлса, уларнинг ҳар бирига суғурта товони миқдори зарарнинг даражасига мутаносиб равишда аниқланади.

Шунингдек, жабрланувчилар мол-мулкига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори ҳар бир жабрланувчи бўйича суғурта пулининг 35 фоизигача тўланиши белгиланмоқда. Бу ҳолатда ҳам жабрланувчиларнинг сони кўп бўлса, уларнинг ҳар бирига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда аниқлаш назарда тутилмоқда.

**— Содир бўлаётган барча йўл-транспорт ҳалокатини суғурта ҳодисасига киритавериш мумкинми? Ёки лойиҳада суғурта ҳодисаси ҳисобланмайдиган меъёрлар ҳам белгиланганми?**

— Транспорт воситалари эгалари томонидан содир этилган барча ҳолатлардаги йўл-транспорт ҳодисаси бир хилда суғурта ҳодисаси ҳисобланавермайди. Хусусан, суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланилган ҳолда зарар етказилиши, махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув машқлари ўтказилаётганда транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа шу каби ҳолларда жавобгарликнинг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмаслиги қонун лойиҳасида назарда тутилмоқда.

**— Шу ўринда бир табиий савол туғилади: нега шу пайтга қадар мажбурий суғуртанинг бу тури тартибга солинмаган?**

— Йўқ, бу тизим энди вужудга келди, десак, хато қилган бўламиз. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш қонуности меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Бугун эса ана шу тизим қонун нормалари билан тартибга солинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши суғурта бозорининг янада ривожланишига, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишига ҳамда фуқароларимиз учун қулайлик ва имкониятлар яратилишига ишонаман.

**Ю. БЎРОНОВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ — БАРЧАНИНГ ИШИ

Муҳокама асносида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилди. Экологик хавфсизликни таъминлашга, табиатни муҳофаза қилиш соҳасига иқтисодий механизмни жорий этиш ва такомиллаштириб боришга мазкур Қўмита томонидан алоҳида эътибор берилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорларини бажариш юзасидан собитқадам иш олиб борилди.

Табиатни муҳофаза этиш юзасидан ўтказилган тадбирлар ҳамда мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 2006 йилга нисбатан ҳаракатланувчи манбалардан атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташлаш, очиқ сув ҳавзаларига тозаланмаган оқова сувлар оқизиш анча камайишига эришилди. Ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳажми тўққиз фоизга камайди. 3713 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, икки минг гектардан ортиқ ер қайта тикланди. Қуввати соатига 48,4 минг куб метр бўлган чанг ва газ тозалагич қурилмалар, шунингдек, 38 минг куб метр сувни тежаш имконини берадиган айланма сув таъминоти тизимлари фойдаланишга топширилди. 19,6 минг автотранспорт воситалари бирлиги тегишинча газ ва дизель ёқилғисига ўтказилди. Ишдан чиққан люминесцент лампаларни зарарсизлантириш 2006 йилга нисбатан олти фоизга ошди. Талайгина майдонлар кўкаламзорлаштирилиб, тўрт миллион тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахтлар, ҳар хил кўчатлар ўтқазилди.

Сув ресурсларини муҳофаза этишга доир ҳукумат қарорлари бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Амударё ва Сирдарё ёқалаб сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳилбўйи минтақалари белгилаб берилди.

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ҳозирги ҳолатига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларидаги сув объектларига оид давлат кадастрларини юритиш ишлари давом эттирилмоқда.

"Сайғоқхона" ва "Судочье" давлат қўриқхоналари ҳудудидаги нодир, фақат шу жойга хос ва йўқолиб бораётган ўсимлик турларининг, шунингдек, Устюртнинг муҳофаза этиладиган участкаларидаги ёввойи техник ўсимликларнинг кадастри тузилди.

Ресурсни тежайдиган ва экологик соф технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда кенг кўламда жорий этиш ишлари 2007 йилда ҳам давом эттирилди, халқаро конвенциялар доирасида Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига олган, бажарилиши учун масъуллик Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юклатилган мажбуриятлар оғишмай бажарилди.

Шу билан бирга Сенат қўмитасининг мажлисида табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан муайян ишлар олиб борилганига қарамай, баъзи масалалар ҳамон ечим топмаганлиги таъкидланди. Баъзи шаҳарлар, айрим жойларда бир қанча ингредиентлар бўйича атмосфера ҳавосининг, сув ҳавзалари ва тупроқнинг ифлосланиш даражаси юқорилигича қолмоқда.

Сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экологик соф технологияларни, энергиянинг тикланма манбаларини қўлланиш, мамлакатда экологик туризмни ривожлантириш борасидаги ишларига алоҳида эътибор қаратдилар. Тармоқни ислоҳ этишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш ва босқичма-босқич амалга ошириш зарурлиги айтиб ўтилди, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Тадбирда сенаторлар, Ўзбекистоннинг манфаатдор вазирлик ва идоралари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

## Йилнинг энг яхши мактаби

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрик-танлов якунига кўра, Тошкент шаҳридаги 169-мактаб жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, 2 та иккинчи ўрин — Андижон ва Навоий вилоятлари жамоаларига насиб этди. Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари эса учинчи ўрин соҳиблари бўлишди. Шунингдек, танлов иштирокчилари "Чемпионлар мактаби" (Хоразм вилояти), "Мазмун изловчи мактаб" (Бухоро вилояти), "Илғор тажрибалар мактаби" (Қашқадарё вилояти) каби турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланишди.

**Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАР БИР ЁШ БИТТАДАН КЎЧАТ ЭКСА...



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз мустақиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизга Наврўз қайтди — биз мураккаб синов даврларида ҳам шундай ноёб урф-одатларини кўз қорачиғидек асраб, эъзозлаб келган аждодларимизнинг буюк фазилатларига ҳамиша содиқ эканимизни муносиб даражада намоён эта олдик.

Истиқлол йилларида Ватанимизда инсоний қадриятларни янада камол топтириш, юртдошларимизда ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ибратли анъанага айланди.

Мустақил давлатимиз рағбати ва ҳомийлигида Наврўз юртимизда наинки қайта қарор топди, айни чоғда изчил ривожланди, такомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиди ва эзгулик билан йўғрилган қирралари янада сайқал топди. Бир сўз билан айтганда, бугун Наврўз минг йил олдинги аждодларимиз каби халқимиз эмин-эркин, шод-хандон нишонлайдиган азиз айём, элимизнинг оммавий сайли сифатида тамомила янги руҳ, ўзгача таровaт касб этди.

Наврўз сайли — халқ майли, дейдилар. Наврўз юртимизда азалдан халқ хоҳиш-иродасига кўра, оммавий сайил сифатида нишонлаб келинган. Наврўз дала ишлари мавсуми бошланишининг даракчисидир. Шу кунлари яхши ният билан ерга уруғ қадалган, гуллар, кўчатлар экилган, ободончилик ишлари кенг авж олган. Юрт оқсоқоллари янги йилнинг баракали, янги мавсумнинг серҳосил келишини тилаб дуода бўлганлар.

Наврўз — баҳор ва уйғониш, меҳнат ва бунёдкорлик айёми. Табиат яшарар ва яшнар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Наврўз одамзот билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги, покиза умид ва орзулар бахш этади. Асрий анъаналаримизга кўра, айни кунларда деҳқонларимиз юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қадамоқда. Ватанимиз бўйлаб гуллар, кўчатлар экиш, кенг миқёсли ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб кетди.

Дарахт экиш, боғлар яратиш халқимизнинг азалий фазилатларидан. Неча асрларки, фарзанд туғилганда терак экиш, кўчат ўтказишдек ибратли анъана эл орасида барҳаёт. Зеро, ниҳол ўсиб дарахт бўлади. Дарахт — ҳаёт рамзи, эзгулик тимсоли. Дарахт — ер зийнати. Дарахт — мева-чева, соф ҳаво, гўзаллик.

Кўчат эккан, боғ қилганларнинг номи эл-юрт тилида, дилида абадий қолади. Муборак ҳадисларда: "Қиёмат куни бўлса ҳам, қўлида бир ниҳоли бор одам уни эксин", дея бежиз айтилмаган.

Алқисса, истиқлолнинг яна бир табаррук тонги, қутлуғ ва хосиятли кун арафасида турибмиз. Одам боласи борки, бундай шукуҳли дамларда табиатдан баҳра олишни, қалбидаги энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқаришни истайди.

Жорий йил Президентимиз ташаббуси билан Ёшлар йили деб эълон қилинди. Шу маънода, бу йилги Наврўзи олам, айниқса, ўзгача — Ёшлар йилининг Наврўзи! Ҳаёт, баҳор, Наврўз, ниҳол, ёшлик — бу сўзларнинг мазмун-моҳиятида ажиб бир монандлик мужассам.

Бу йилги кўкламда ҳар бир ёш ватандошимиз биттадан кўчат экса, шу кўчатни — ўз ниҳолини астойдил парваришласа...

Тасаввур қилинг: барча мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг неча юз-минглаб ўқувчи ҳамда талабаларидан ҳар бири лоақал битта ниҳол экиб-ундирса — мамлакатимиз бўйлаб қанча-дан-қанча навқирон авлод боғлари бунёд бўлади!

Боғи борнинг бахти бор, дейдилар. Бу боғлар, чаманзорлар, гулзорлар халқимизнинг порлоқ истиқболи, юртимизнинг ободлиги тимсоли сифатида ҳамиша гуркираб, гуллаб-яшнаб турсин.

**Ғулом МИРЗО, ЎзА шарҳловчиси.**

### Яхши хабарлар

***Дўстлик туманидаги «Уста Сапар ота» фермер хўжалиги 6 йил олдин 20 бош наслдор бузоқ сотиб олиб, пахтачилик ва ғаллачилик билан бирга, чорвачиликни ҳам йўлга қўйганди.***

## «Уста Сапар ота»нинг сут заводи

Яқинда бу фермер Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлаш корхонасини ишга туширди. Натижада кунига 1 тонна сут қайта ишланиб, ундан сифатли ва мазали пишлоқ, творог, қаймоқ, қатиқ тайёрланмоқда. Бу юмушларни 20 нафар кишидан иборат жамоа бажармоқда.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Кредит бўйича таклиф

***Оқдарёлик ҳуқуқшуносларнинг фуқаролар билан юзма-юз учрашиб туришлари кўплаб ижтимоий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига йўл очмоқда.***

Яқинда туман прокуратураси томонидан мавжуд 113 та қишлоқда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар имконияти ўрганиб чиқилди. Натижада 200 нафардан ортиқ кишига микрокредит бериш ҳақида банкларга таклифлар киритилди. Улар орасида ҳунармандчилик, қандолатчилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа соҳаларда тадбиркорликни йўлга қўйганлар бор.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Инсон яралибдики, доимо янгиликка, ҳаётини яхшилашга интилади. Оддийгина кун кечириш илинжида бошланган турмуш тарзи, вақт ўтиши билан табиатни ўрганиш ва ундан фойдаланишга олиб келди. Асрлар оша шаклланиб борган бу жараён XX асрга келганда янада юксак чўққига кўтарилди. «Микроэлектротехника асри» дея ном олган ўтган юз йилликда мисли кўрилмаган ихтиролар яратилди. Илм-фандаги ўзгаришлар ва ютуқлар салмоғи шу қадар катта бўлдики, гўё энди бирор бир янгилик ёки ихтиро қилишга ҳожат қолмагандек. Лекин ундай эмас экан. Фанда ҳали ўрганилмаган ва очилмаган қирралар кўп эканки, энди уларни кашф қилиш янги асрда олимлар олдида турган асосий юмушлар сирасига айланган.***

# НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР

## ёки илм-фаннинг янги босқичи

*Сўнгги вақтларда нанотехнологиялар атамаси муомалада тез-тез қўлланилаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, бу айнан XXI аср технологияси бўлиши кутилаётган илм-фаннинг ноёб қиррасидир. Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ бутун дунё эътиборида турган бу илмий атама инсонларнинг маиший ҳаётига тобора чуқур кириб бораяпти.*

— Бундан 8-10 йил аввал бу атама фақат олимлар, фан-техника соҳасига алоқадор мутахассислар эътиборида бўлиб, улар тарафидан ишлатиларди, холос, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иссиқлик физикаси бўлимининг "Истиқболли тадқиқотлар" лабораторияси мудири Даврон Матрасулов. — Эндиликда эса у барчанинг диққатини ўзига тортаяпти. Чунки бунинг ўзига хос сабаблари бор. XX асрда инсоният тараққиётининг асосини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири бу микроэлектроника бўлган бўлса, янги асрда унинг ўрнини, шубҳасиз, нанотехнология эгаллайди.

**— Даврон ака, келинг, аввало, нанотехнологиянинг ўзи нима эканлигига ойдинлик киритиб ўтсангиз.**

— Бундан бир неча минг йиллар илгари, масалан, тош асрида одам тош қуроллардан, ундан сал кейинроқ металлдан ясалган қуроллардан фойдаланишни ўрганди. Вақт ўтиши билан улар такомиллаштириб борилди ва XX аср охирига келиб, қуроллар микрочип, микросхема даражасига чиқди. Ҳаттоки бу жараён автоматлаштирилган бошқарувга ўтишгача бориб етди. Нано бу миллиарддан бир улушни англатувчи қўшимчадир. Яъни, 1 нанометр алоҳида битта молекуланинг ўлчамларига мос келади. Тош асрида одамлар $10^{24}$ (триллион-триллион) атомларни ишлата олган (қадимги одам фойдаланган болта, тош найза айнан мана шунча атомни ўз ичига олар эди). XX аср охирига келиб эса бу рақам $10^{8}$-$10^{10}$ га тушди. Биз сўз юритмоқчи бўлган нанотехнологиялар яқин келажакда 1000 та ва ҳатто 100 та атомдан ташкил топган қурилмаларни ҳам яратиш ва улардан фойдаланиш имконини бериши кутилмоқда.

Бу ўринда нанотехнология билан боғлиқ квант информатикаси ва наноўлчамли тизимлар физикасини мисол қилиб келтириш мумкин. XX аср сўнгида технологик имкониятлар даражаси тараққий этиб, физик жараёнлар наноўлчамларда бошқарилиш имкониятига эга бўлгандан кейин квант ўлчамлар назариясининг асосларини тажрибада текшириб кўриш ва улардан амалда фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, замонавий нанотехнологиялар асоси бўлмиш нанофизика фанининг ривожланишига олиб келди. Ушбу фаннинг асосий вазифаларидан бири ўлчамлари атом ва молекулалар ўлчамлари билан солиштирса бўладиган даражадаги тизимларни ҳамда жараёнларни бошқариш ва улар асосида наноўлчамли қурилмалар яратишдан иборатдир. Масалан, квант компьютерини олайлик. Ҳозирги энг замонавий компьютерларда 1 бит ахборот ўртача 100 миллиард атомга (микросхемадаги қандайдир кичик ячейкага) ёзилади. Квант компьютерда эса ахборотни ўртача 1 дона атомга ёзиш мумкин. Бу кубит, яъни 1 квант бит деб юритилади. Ҳажмининг қанчалик кичрайганига эътибор беринг-а. Анъанавий компьютерларда ёзиш мумкин бўлган жараёнлар чегараланган. Аммо квант компьютерларида бу мислсиз даражада бўлади. Бу, шунингдек, ахборотнинг ҳимояланганлик даражасини ҳам оширади.

Мен Германияда, Японияда бўлганимда, квант компьютерлари муаммолари билан шуғулланувчи амалиётчи олимлар билан учрашганман. Ҳозирча улар ҳам бундай компьютерлар қачон пайдо бўлишини аниқ билишмайди. Баъзи олимлар 2015 йилга келиб квант компьютерлар лаборатория шароитида яратилади дейишса, баъзилари бу муддат 20-30 йилга узайишини тахмин қилишмоқда. Менинг фикримча ҳам бу бироз вақт талаб қиладиган жараёндир.

**▼ Тадқиқот**

**— Бугун бутун дунёда нанотехнологияларга бўлган эътиборнинг ортиб бораётганини нималарда кўриш мумкин?**

— Бунга мазкур йўналиш ривожи учун сарфланаётган инвестициялар миқдорини асос қилиб келтирса бўлади. Масалан, 2007 йилда дунёда нанотехнологияларга фақат давлатлар (хусусий фирмалар компанияларни ҳисобга олмаганда) тарафидан йўналтирилган маблағ миқдори 30 миллиард АҚШ долларига етган. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб боряпти. Айтайлик, 2008 йилдаги инвестиция миқдори 50 миллиард долларга етиши кўзда тутилган. Яқин 10-15 йил ичида мазкур технологиялар халқ хўжалиги тармоқларининг катта қисмига кириб бориши кутилмоқда. Бошқача айтганда, яқин келажакда электроника, тиббиёт, автомобиль, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, кончилик, фармацевтика саноатлари, экология, информацион-коммуникацион технологиялар, энергетика ва космонавтика каби барча жабҳаларда ушбу технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилади. Ҳозирги пайтга келиб нанотехнологиялар бир нечта тармоққа бўлинган. Булар наномеханика, наноэлектроника, наноинформатика (квант информатикаси), нанотиббиёт, наноматериаллар, нанороботлар саноатидир.

Нанотехнологияларнинг асоси нанофан, аникроқ қилиб айтганда нанофизика ҳисобланади. Бу фаннинг асосий вазифаси наноўлчамли тизимларнинг физикавий хоссаларини, улар орасидаги ўзаро таъсир қонуниятларини ва ушбу тизимларни функционализациялашувини амалга ошириш, яъни уларни (олдиндан белгиланган) бирор бир "фаолият"ни бажаришини йўлга қўйишдан иборат. Нанофизика фани ҳам бир неча соҳаларга ажралган. Ушбу соҳалар ҳозирги пайтда шиддат билан ривожланиб бормоқда ва ҳатто баъзи амалий натижаларга ҳам эришилмоқда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг Техас университети Нанотехнологик тадқиқотлар илмий марказида наноматериаллар физикаси соҳасида олинган хулосалар асосида углерод наноқувурчаларидан ташкил топган плёнкани келтириш мумкин. Ушбу плёнканинг чидамлилиги ҳозирги кунда мавжуд бўлган плёнкалардан бир неча 100 баробар юқори ҳисобланади. Айнан ушбу қувурчалар асосида олинган иссиқлик узатгичларнинг энергия тежаш имконияти деярли 100 фоизга яқин. Нанотиббиётда эришилган дастлабки ютуқларга мисол сифатида наношприцлар ёки яқин келажакда амалиётга кириб келиши кутилаётган жарроҳлик нанороботларни келтириш мумкин. Ушбу роботлар ҳужайра ёки бир нечта ҳужайра даражасида жарроҳлик амалиётини бажариш имкониятига эга. Нанокапсулалар ҳам қизиқарли тадқиқотлардан. Одатда организмга киритилган дори касалланган тўқимага етиб боргунча ўз хусусиятини йўқотиши ва бошқа соғлом тўқималарга зарар бериши мумкин. Агар улар нанокапсулаларга жойлаб юборилса, нафақат тўқималарнинг ичига, балки ҳужайраларгача таъсир қилиш самарадорлигини сақлаган ҳолда етиб боради. Фармакологик капсулалар айни пайтда илмий лабораторияларда синовдан ўтказилмоқда.

**— Юртимизда нанофизика фанининг ривожи қай даражада? Олимларимиз бу борада қандай изланишлар олиб боришмоқда?**

— Дарҳақиқат, бу фан бизда ҳам тез суръатда ривожланиб бормоқда. Айниқса, ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида бу борада дастлабки илмий тадқиқотлар йўлга қўйилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими ҳозир ҳам бу соҳада республикамизда етакчи илмий муассаса ҳисобланади. 10-12 йил илгари бошланган нанофизика бўйича илмий-тадқиқотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда ва бунга муносиб шароитлар яратилган. Мисол учун, 2003 йилда институтга келтирилган электрон микроскопни олайлик. Нархи тахминан ярим миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур қурилма ўлчами 2 нанометргача бўлган зарраларни кўриш ва нанотизимларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини чуқур тадқиқ қилиш имконини беради. Институтда айнан нанофизика соҳасида илмий-тадқиқотлар олиб боришга қаратилган «Истиқболли тадқиқотлар» лабораторияси ташкил қилинган. Ушбу лаборатория бундан 7 йил муқаддам ташкил этилган ва унинг олдига иккита асосий вазифа қўйилган эди. Аввало, яқин келажакда долзарб бўлиши кутилаётган илмий муаммолар билан шуғулланиш. Шунингдек, фақат ёш олимлардан иборат бўлган илмий гуруҳни шакллантириш.

Ҳозирги кунга келиб лабораторияда 26 нафар фан доктори, фан номзодлари, аспирант ва илмий ходим фаолият юритмоқда. Бизни хурсанд қиладиган жиҳати шундаки, уларнинг ўртача ёши 28 да. Аксарият ходимлар рус ва ўзбек тилларидан ташқари, иккита хорижий тилни билишади. Бундан ташқари, бир неча бор ривожланган давлатлардаги йирик илмий марказларда малака ошириб келишган.

**— Демак, бизда янги аср технологиясини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшувчи авлод шаклланиб келмоқда?**

— Албатта. Бу келажакда Ўзбекистоннинг нанотехнологиялар соҳасида муҳим мавқега эга бўлиши асосларидан биридир десам, муболаға бўлмайди. Ёш олимларимиз ҳозирги кунда наноэлектроника (молекуляр электроника), квант информатикаси ва мезоскопик тизимлар физикаси каби бир нечта илмий йўналишларда изланиш олиб боришмоқда. Шулардан бири водород энергетикаси муаммоларига нанотехнологиялар асосида ёндашишдир. Институт олимларининг таъкидлашича, муаммонинг нанофизикага асосланган ечими водород моддасини сув клатратларида сақлаш мазкур энергетика самарадорлигини 6-7 фоиздан 20-25 фоизгача ошириш имконини беради ва бу услубни тижорат мақсадида ҳам фойдаланса бўладиган даражага олиб чиқади.

Ёш физиклар шуғулланаётган яна бир муаммо — бу совитилган атомларнинг ночизиқли динамикасидир. Ушбу тадқиқотларнинг мақсади бир неча ўн ёки юз атомни совитилган ҳолатга тушириб, улардан амалий мақсадларда квант компьютерлари яратишда ёки бошқа мақсадларда фойдаланишга қаратилган. Институтда нанотехнологик тадқиқотларнинг баъзилари ҳозирги кунга келиб амалиётга татбиқ қилиниши мумкин бўлган ҳолатга ҳам келган. Хусусан, нанотехнологик услублар асосида ишлаб чиқилган иссиқлик узатгич, нанотузилмалардан иборат яримўтказгич ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган воситалар бунга мисол бўла олади.

Умуман, мамлакатимизда ҳам бошқалардан кам бўлмаган ҳолда бу соҳанинг ишончли асослари яратилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири Шавкат ОРТИҚОВ суҳбатлашди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Кубада янги президент сайланди



***Куба парламенти мамлакатнинг янги президентини сайлади.***

Парламент депутатлари собиқ президент Фидель Кастронинг укаси Раул Кастро номзодини кўпчилик овоз билан тасдиқладилар. У 2006 йилдан буён президентлик лавозимини вақтинчалик бажариб келаётганди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 18 февраль куни Фидель Кастро президентликдан кетишини расман эълон қилганди.

76 ёшли Раул янги лавозимни мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни ўтказищдан бошламоқчи.

## Самолётлар тўқнашуви



АҚШдаги "Даллес" халқаро аэропортида «Юнайтед Айрлайнс» компаниясига қарашли икки самолёт қанотлари бир-бирига тўқнашиб кетди.

Тўқнашув оқибатида ҳеч ким зарар кўрмаган. Хабарингиз бор, бундан бир ҳафта аввал Вашингтондаги Кеннеди аэропортида ҳам худди шундай ҳолат рўй берганди.

## Биологик ёнилғи синови

24 февраль куни биологик ёнилғида учувчи авиалайнер синовдан ўтказилди.

Буюк Британиянинг "Virgin Atlantic" авиакомпаниясига қарашли "Боинг-747" самолёти пальма ва кокос мойидан тайёрланган биоёнилғи ва керосин ёрдамида Лондон — Амстердам йўналиши бўйича парвозни муваффақиятли амалга оширди.

## Хавотирга тушмоқда



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури (World Food Programme) ходимлари ер юзида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи қимматлашаётганидан хавотирга тушмоқда.

Гап шундаки, нарх-навонинг кескин кўтарилиши оқибатида агентлик сўнгги ҳафта ичида бир неча миллион доллар зарар кўрган. Агентлик вакиллари айни пайтда Яман, Мексика ва Индонезия мамлакатларига шошилинч ёрдам кўрсатилиши кераклигини билдиришган.

## Автобус ҳалокати

**Кеча Австрияда сайёҳларни олиб кетаётган автобус ҳалокатга учради.**

**Автобусдаги йўловчиларнинг 16 нафари жароҳат олди, улардан учтасининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда.**

**Полиция вакилларининг сўзларига кўра, автобус юк ташувчи машина билан тўқнашиб кетган.**

## Портлаш оқибати

Ироқнинг Искандария шаҳридан 56 километр узоқликда камикадзе ўзини портлатиб юборди.

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, портлаш оқибатида 25 киши ҳалок бўлди. Элликка яқин киши оғир тан жароҳати олди.

## «Оскар» совриндорлари маълум



***Кино оламининг энг нуфузли мукофоти—"Оскар" совриндорлари маълум бўлди.***

"Энг яхши костюм дизайни" номинациясига «Елизавета: олтин аср» фильми, "Энг яхши қисқаметражли анимацион фильм" номинациясига "Рататуй" мультфильми, "Энг яхши аёл" номинациясига актриса Мэрион Котийяр ("Қизғиш рангдаги ҳаёт" фильмидаги роли учун) , "Энг яхши эркак" номинациясини актёр Дэниэл Дэй-Льюис қўлга киритди. Бош соврин, яъни "Йилнинг энг яхши фильми" номинацияси «Бу кексаларнинг жойи эмас» фильмига насиб этди.

Олтин ҳайкалчаларни Голливуднинг таниқли юлдузларидан Кейт Бланшетт, Николь Кидман, Жорж Клуни, Пенелопа Круз, Камерон Диаз, Харрисон Форд, Том Хэнкслар топширди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

O'ZEKSPO MARKAZ Toshkent

UzBuild

9- O'zbek Xalqaro

QURILISH KO'RGAZMASI

4-7 MART 2008

Rasmiy ochilish marosimi: 4 mart 2008 • 11:00

Ko'rgazmaning ish tartibi: 4 mart 11:30 - 18:00, 5 mart 10:00 - 18:00 | 6 mart 10:00 - 18:00, 7 mart 10:00 - 16:00

Организатор: ITE UZBEKISTAN

O'zbekiston, 100015, Toshkent, Oybek ko'chasi, 20
Tel.: +(998 71) 113 01 80, faks: +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
www.ite-uzbekistan.uz

ufi Member

***Шу йилнинг 4 март куни анъанавий «Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция — UzBuild-2008» халқаро кўргазмаси ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар учун ўз эшикларини очади. Мана, 9 йилдирки, «UzBuild» Ўзбекистондаги муваффақиятли кўргазма лойиҳаси ҳисобланади. Кўргазма қурилиш бозори ҳақида аниқ тасаввур беради, маҳсулотни кенг тарғибот қилиш учун янги истиқболларни очади. Бу эса, унинг «Қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури»ни бажаришда ҳамда мамлакат қурилиш саноатининг нуфузини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.***

## «UzBuild-2008»: ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ҚУРИЛИШ!

Кўргазмада асосий диққат-эътибор қурилиш соҳасидаги барча энг замонавий ва илғор технологияларнинг намойишига қаратилади. 2008 йилда, хусусан, «UzBuild» кўргазмаси меҳмонлари учун кўплаб янги ва қизиқарли экспозициялар намойиш қилинади. Халқаро сифат андозаларига жавоб берадиган мукаммал қурилиш ва пардозлаш материаллари, пол ва том қопламалари ишлаб чиқарувчи компаниялар эса ўзларининг янги маҳсулотлари билан қатнашадилар.

Кўргазмада қурилиш саноатининг профессионаллари учун ҳам, аҳоли кенг қатлами учун ҳам мўлжалланган хилма-хил товарлар ва хизматлар тақдим этилади. Саноат объектлари, йўллар, кўприклар, турар жойлар қуриш, квартирани таъмирлаш, интерьерни янгилаш – буларнинг ҳаммаси «UzBuild-2008» кўргазмасида намойиш қилинади. Қурилиш учун зарур бинокорлик материалларининг барча турларини бир жойнинг ўзида танлаб олиш мумкин бўлади. «UzBuild-2008» кўргазмасида намойиш этиладиган янги технологиялар ва ускуналар, уйларни лойиҳалаштиришга доир янги ечимлар ва қурилиш материаллари энг билимдон мутахассисларни ҳам ҳайратга солиши мумкин. Чунки унда янги технологияларни намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатда турли мақсадлар учун қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ривожланаётгани ускуналар ҳамда бутун технологик линияларга эҳтиёжни вужудга келтирмоқда. Улар эса, мамлакатимизда ва чет мамлакатларда фаолият юритаётган 120 дан ортиқ компаниялар томонидан тақдим этилади.

«UzBuild-2008» экспозицияси мутахассис бўлмаган меҳмонларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Чунки ҳар бир одам умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта уй-жой қуриш ва уни таъмирлаш масаласини ҳал этиши керак бўлади. Кўргазма иштирокчилари турли модификациялардаги эшик ва деразаларни, пол қопламалари, осма шипларни таклиф қиладилар, Польша миллий стендида эса ваннахонани жиҳозлаш учун замонавий материалларни кўриш, ички интерьер учун зарур ҳар қандай пардозлаш воситаларини танлаш мумкин.

Экспонентларнинг истакларини эътиборга олиб, ташкилотчилар ўхшаш мавзулардаги кўргазмаларни бирлаштиришга қарор қилдилар. Шундай қилиб, «UzBuild-2008» кўргазмаси билан бир куннинг ўзида (4-7 март кунлари) «Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн — MebelExpo Uzbekistan-2008» 5-юбилей халқаро кўргазмаси ҳам бўлиб ўтади. Ташкилотчиларнинг фикрича, бу кўргазмалар бир вақтда ўтказилиши, аввало, турдош соҳалар профессионал мутахассисларининг доирасини анча кенгайтиради, шу орқали экспонентлар иштироки самарадорлигини оширади. Бошқа томондан, кўргазмалар ишлайдиган 4 кун давомида меҳмонлар бир жойнинг ўзида уй сотиб олиш, уни таъмирлаш ҳақида келишиб олиб ҳамда энг яхши дизайнерларнинг маслаҳати билан мебель учун буюртма бериш, шу тариқа вақтни анча тежаш имконига эга бўладилар.

**Кўргазма ташкилотчиси — «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси.** t

«ПАХТА - БАНК»

«Маиший тўлов» жамғарма омонат турининг фоиз ставкасини оширди.

Энди, у 30 фоизни ташкил этади.
Омонатга ўзингиз учун мақбул миқдорда маблағни қўйиб, коммунал тўловларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўз вақтида тўлаб борилишига эришасиз.
Омонатнинг муддати — 2 йил.

«Пахта-банк» – биз билан ҳамиша қулай!

Бундан ташқари, «Пахта-банк» қуйидаги жамғарма ҳамда муддатли омонат турларига бўш пул маблағларингизни қўйишни таклиф қилади:

| Омонат (депозит) номи | Муддати | Йиллик фоиз ставкаси | Бошланғич бадал |
|---|---|---|---|
| «Болалар келажагимиз» (14 ёшгача болалар учун) жамғарма | 1-5 йилгача | 12%-18% | 10 000 сўм |
| «Навниҳол» (16 ёшдан 25 ёшгача) жамғарма | 1 йил | МБ қайта молиялаш ставкасида | 1 000 сўм |
| «Баркамол авлод» жамғарма | 1-3-6-9-12-15 ва 18 ой | 30% | 10 000 сўм |
| «Оқ олтин» муддатли | 6 ой | 18% | 2 000 сўм |
| «Пахтакор» муддатли | 3 ой | 16% | 10 000 сўм |
| «Фаровонлик» муддатли | 3-6 ойгача | 16%-18% | 5 000 сўм |
| «Барака» муддатли | 3-12 ойгача | 12%-18% | 20 000 сўм |
| «Саховат» муддатли | 1 йил | 18% | 20 000 сўм |
| «Баҳор» муддатли | 9 ой | 18% | 20 000 сўм |
| Истеъмол омонати муддатли | 3 йил | 10% | «Истеъмол кредит»и миқдорининг 30 фоизи |

«ПАХТА–БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Хизматлар лицензияланган

274Н/58

«PK TREXGORKA» ЁАЖ

• Ўзи ишлаб чиқарган том қопламаларини (рубероидни) сотади.
• Ўз маҳсулотидан томларни юмшоқ қоплама билан қоплайди ва таъмирлайди.
• Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Маҳсулот сертификатланган NSS UZ. 01.143.0513752

245-10-32, 245-11-72, 245-11-82

272Н/188

«АГРЕГАТ ЗАВОДИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

тўрт қаторли, чигитни аниқ экадиган механик ва пневматик сеялкаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Сеялкалар конструкциясини тайёрлашда хорижий фирмаларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланилган. Мазкур сеялкалардан Ўзбекистон Республикасининг деҳқончилик қилинадиган барча ҳудудлари ва қўшни минтақаларда фойдаланиш мумкин.



«PPAES-4-04» русумли сеялка чигит экиш ва 50 см.дан 90 см.гача бўлган қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган. Мазкур сеялка 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.



«PPAES-4» русумли пневматик сеялка эса чигитни ерга қадаш, маккажўхори, оқ жўхори, каноп, ерёнғоқ, кунжут, помидор, қанд лавлагиси, озуқа лавлагиси ва кунгабоқар уруғларини 50 см.дан 90 см.гача бўлган қатор ораларига экиш ва шу экинларга ишлов бериш учун мўлжалланган. У 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.

Завод манзили: 100057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй.
Телефонлар: (998-71) 148-02-40 (қабулхона), (998-71) 248-16-51 (тақсимот бўлими).
Факс: (998-71) 148-17-40 (қабулхона), (998-71) 248-02-40 (тақсимот бўлими).
E-mail: agregat_zavodi@mail.ru

222Н/256

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПГС» Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

www.pgs.uz

• электр калорифер-иситкичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
• электр калорифер-иситкичлар (маиший, қуввати — 1, 8 кВт);





• мини новвойхоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
• электр қозонлар (кўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
• кабоб пиширадиган электр қўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший), қуввати — 1,7-6 кВт;
• сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.

Буюртмаларни қуйидаги манзилларга: Тошкент ш., Гавҳар к., 125-уй, электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки 279-38-54 тел./факси орқали юбориш мумкин.

2008 йил 31 мартгача буюртма берган ташкилотлар биринчи навбатда ушбу кунгача бўлган нархда жиҳозларни харид қиладилар.

Маҳсулот сертификатланган.

Жиҳозлар Давлат ёнғинга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.

120В/157

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири Ҳамид Султоновга акаси, фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Ёқубжон ИБРОҲИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси биологик, анорганик ва органик кимё кафедрасининг ассистенти Сайёра Салиҳовага падари бузруквори

**РИХСИБОЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти жамоаси бошқарув кенгаши раиси Саида Ғаниевага опаси

**Донохон БОЛТАХЎЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

(Давоми. Боши 1-бетда).

## «Олтин қалам»:
# ИЖОДИЙ МАҲОРАТ МЕЗОНИ

Шунингдек, тобора фаоллашиб бораётган демократик ўзгаришлар шароитида эркин, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг бутун бир тизими вужудга келди. Хусусий матбуот нашрлари, радиостанциялар ва телеканаллар республикамиз ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллади. Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда 1000 га яқин газета-журналлар, радио ва телевидение, агентлик ва интернет тизими фаолият юритмоқда. Уларнинг 100 га яқини замонавий электрон оммавий ахборот воситаларидир.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил топиб, фаолият юритиб келмоқда.

Энг муҳими, шу давр ичида оммавий ахборот воситалари тамомила янги руҳ ва мазмун касб этиб, мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг жўшқин тарғиботчисига айланди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида сезиларли ўзгаришлар юз бераётган бир шароитда, Президентимизнинг бу соҳа ривожига кўрсатаётган улкан эътибори ҳамда давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида ОАВ имкониятларини тинимсиз ривожлантириб бориш бўйича белгилаган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Олтин қалам" Миллий мукофотини жорий этиш ҳамда уни халқаро танлов даражасига олиб чиқиш йўлини танлади.

**— Ушбу нуфузли танлов ғолибларини тақдирлаш маросими анъанавий равишда, ҳар йили 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунида ўтказилаяпти. Мана шу сана тўғрисида маълумот бериб ўтсангиз...**

— Маълумки, Африка давлати Намибияда 1991 йилнинг 3 май куни машҳур Виндхук декларацияси қабул қилинган. БМТ Бош Ассамблеяси 1993 йилнинг 20 декабрида ана шу кунни Жаҳон матбуоти эркинлиги куни сифатида расмийлаштирди. Ва бу кун, БМТ қарори билан, бутун дунёда журналистларнинг масъулиятли ва шарафли меҳнатини эъзозлайдиган бир сана бўлиб қолди.

Журналистлар меҳнатини мамлакатимизда "Олтин қалам" Миллий мукофоти билан давлатимиз миқёсида эъзозланиши ниҳоятда эътиборлидир. Ушбу мукофот миллий ва халқаро жур-




налистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадларини кўзлайди.

**— "Олтин қалам" Миллий мукофоти жорий этилганидан буён орадан 3 йил муддат ўтди. Мана шу даврда кўзланган мақсадлар бўйича қандай натижаларга эришилди?**

— 2006 йилда "Олтин қалам" танлови илк бор ўтказилди ҳамда телевидение, радио ва матбуот йўналишларида "Энг яхши журналистик материал" номинациялари бўйича учта асосий, 10 та рағбатлантирувчи мукофот жорий этилди. Танловда республикамизнинг турли ҳудудларидан 136 нафар журналист 1669 та ижодий иш билан иштирок этди. Танлов якунларига кўра, асосий номинациялар бўйича энг иқтидорли ва фаол журналистлар аниқланди. Шунингдек, рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди.

2007 йилда "Олтин қалам" иккинчи Миллий мукофоти учун танлов кўлами янада кенгайди. Агар биринчи танлов матбуот, телевидение, радио йўналишлари бўйича ўтказилган бўлса, ўтган йили улар қаторига интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Бунинг устига, ҳар бир йўналиш бўйича аввал атиги битта мукофот жорий этилган бўлса, 2007 йилда ҳар бир йўналишда биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги учта, жами 12 та асосий мукофот ташкил этилди. Энг диққатга сазовори, "Олтин қалам" иккинчи Миллий мукофоти доирасида **Бош миллий мукофот** таъсис этилди. Бу номинацияда ғолиб бўлган журналист ёки жамоа махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Айтиш жоизки, ўтган йили танлов иштирокчилари сони ҳам олдинги йилдагига нисбатан уч баравар кўпайди. Яъни 376 нафар журналист 5000 га яқин ижодий иш билан танловда қатнашди. Иштирокчиларнинг тенг ярми мамлакатимиз вилоятларида фаолият олиб бораётган журналистлардир. "Олтин қалам" иккинчи Миллий мукофоти учун танлов 25 та (1 та бош, 12 та асосий, 12 та рағбатлантирувчи) номинация бўйича ўтказилди.

Илк бор жорий этилган Бош миллий мукофотга "Қашқадарё" газетаси таҳририяти — ўз газеталари саҳифаларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кенг ва чуқур ёритгани учун сазовор бўлди. Умуман айтганда, Қашқадарё вилоятида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга етарли эътибор қаратилаяпти. Масалан, вилоят маркази Қарши шаҳрида журналистларнинг Ижодий уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу даргоҳда вилоятда оммавий ахборот воситаларини кенг кўламда ривожлантириш учун энг замонавий шарт-шароитлар яратилган. Вилоятда хусусий нашрлар, радио ва телевидение ҳамда туман газеталари моддий-техникавий базасини ривожлантиришга ҳам катта кўмак кўрсатилмоқда.

Вилоят газетаси "Олтин қалам"нинг Бош миллий мукофотига сазовор бўлгач, вилоят раҳбарияти ушбу газета таҳририятидаги ҳар бир ижодий ходимга биттадан компьютер совға қилди. "Ижодий уй"га эса микроавтобус ҳадя этилди.

2008 йилда яна бир янгилик юз берди: "Олтин қалам"нинг рағбатлантирувчи мукофотлари доирасига яна иккита номинация қўшилди. Булар: "Ёшлар йилига бағишланган энг яхши материал учун" ва "Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун" йўналишларидаги рағбатлантирувчи совринлардир.

2007 йилдаги иккинчи Миллий мукофот учун танловнинг мукофотлар фонди 35 миллион 272 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий 2008 йилда ўтказиладиган учинчи Миллий мукофот учун танловнинг мукофот фонди яна 20 миллион сўмдан кўпроққа оширилиб, 55 миллион 890 минг сўмга етказилмоқда.

**— "Олтин қалам", айни пайтда, халқаро танлов бўлгани боис, хорижий журналистларда қандай қизиқиш уйғотмоқда?**

— "Олтин қалам" танловида нафақат маҳаллий журналистлар, балки хорижий журналистлар ҳам тобора кўпроқ қатнашиш истагини билдирмоқдалар. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу Миллий мукофотнинг битта номинацияси хорижий журналистлар учун мўлжалланган. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги бу номинация "Чет эллик журналистларнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун" деб номланади.

2006 йилда Эроннинг араб тилидаги "Ал-Алам" телеканалининг Ўзбекистондаги мухбири Аҳмад ал-Зубайди, 2007 йилда эса Туркия радио-телевидениесининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Левент Нажар шу мукофот билан тақдирландилар.

*Ўтган йилнинг 3 май куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ушбу мукофотни қабул қилиб олар экан, туркиялик журналист Левент Нажар республикамиз телевидениеси мухбири билан суҳбатда, жумладан, шундай деди:*

*"Мен 13 йилдан буён матбуот хизматидаман. Бизнинг юртда журналистлар учун бундай мукофот мавжуд эмас. Дўст, қардош Ўзбекистонда халқаро даражада таъсис этилган "Олтин қалам" деб аталмиш фахрли мукофотни олиш менга насиб этганидан чексиз бахтиёрман. Бор ижодий ва инсоний куч-ғайратимни Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ҳамда халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ва қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга бағишлайман. Мустақил ривожланиш йўлида катта ютуқларга эришаётган азиз ўзбек халқига улуғ омадлар ёр бўлсин".*

*Хорижий журналистнинг бу кўнгил изҳори "Олтин қалам" Миллий мукофоти халқаро салмоғининг энг яхши таърифларидан биридир, десак адашмаймиз.*

Яна бир изоҳ. Маълумки, ушбу мукофотга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасидан ташқари Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳомийлик қилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳам бу тадбирга мададкор бўлаётир.

Айни пайтда, "Олтин қалам" Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси таркибида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ҳам бор. "Олтин қалам" Миллий мукофоти ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш тадбирида БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки ҳам ўзлари таъсис этган қатор рағбатлантирувчи мукофотлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

**— "Олтин қалам"нинг 2008 йил учун мўлжалланган учинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов шартлари республика газеталарида, телевидение ва радио орқали эълон қилиб бориляпти. Дастлабки аксадолар қандай бўляпти?**

— Ташкилий қўмита аъзолари шу кунларда қўли қўлига тегмай меҳнат қилишаяпти. Чунки танлов учун мамлакатимиз ва чет эл журналистлари томонидан тақдим этилаётган ижодий ишлар миқдори кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу йилги танлов янада сермаҳсул ва янада қизғин бўлиши ҳозирнинг ўзидаёқ яққол сезилиб турибди. Энг эзгу мақсадларни ўз олдига қўйган журналистика соҳасидаги Ватанимиз Миллий мукофоти — "Олтин қалам"нинг обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бораверади.

**Суҳбатдош: Михли САФАРОВ.**

Спорт ● Sport



***Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида тўққизинчи тур учрашувлари ортда қолди.***

## ТЎҚҚИЗИНЧИ ТУРДАН СЎНГ

Ҳозирча етти учрашувни ғалаба, иккитасини дуранг натижа билан якунлаган самарқандлик Жамшид Мустафоев 8 очко билан пешқадам бўлиб турибди.

Талгат Губайдуллин, Иномжон Шаймуротов ва Руслан Ниёзматовлар кейинги ўринларда боришмоқда.

## Мутлақ чемпионлик сари қадам

***Профессионал бокснинг ўта оғир вазнида фаолият юритаётган украиналик Владимир Кличко IBF (Халқаро бокс федерацияси) ва WBO (Бутунжаҳон бокс ташкилоти) йўналишлари бўйича қўшкамарлик учун уюштирилган жангда ғалаба қозонди.***



Нью-Йорк шаҳридаги "Мэдисон Сквер Гарден" мажмуасида ўтган мазкур жангда Владимир Кличко россиялик Султон Ибрагимовга қарши рингга кўтарилди.

Таъкидлаш лозимки, жанг, кўпчилик кутганидек, шиддатли ўтмади. Мусобақа давомида боксчилардан бирортаси ҳам ўз рақибини кучли зарбалари билан нокаут ёки нокдаун ҳолатига тушира олмади. Ибрагимов биринчи ва олтинчи раундларда фаол ҳаракат қилди. Қолган барча раундларда Кличко фаолликни тўлиқ қўлга олди. Ўн икки раунд давом этган беллашув якунида уччала ҳакам—119:110, 117:111, 118:110 ҳисобида учраинaлик боксчи ғалаба қозонганлигини эълон қилишди.

Эслатиб ўтамиз, бу 1999 йилдан буён ўтказилган биринчи қўшкамарлик учун жангдир.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

ISO 9001:2000

CHEMPION

TARIF REJASI

2 : 0

SENT O`ZBEKISTON BO`YICHA BARCHA QO`NG`IROQLAR SO`ZLASHUVNING BIRINCHI DAQIQASIDAN BOSHLAB

ABONENT TO`LOVI

COSCOM

Uyali aloqa uchun xarajatlarni hisoblashdan charchadingizmi?
Kalkulyator eng zarur narsaga aylanib qoldimi?
Tarif rejalarining ko'plab shartlari sizni adashtirib yubordimi?

Biz sizga juda ham oddiy tarifni taklif etamiz.

Hech qanday abonent to'lovi yo'q, so'zlashuvning bir daqiqasi esa endi haqiqatan ham 2 sent.

Va albatta, COSCOM abonentlaridan kirish qo'ng'iroqlari BEPUL!

Bu tarif haqiqiy CHEMPION!!!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 19.45 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6 8